5.400.000 ТОННА ТАЙЁР!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 274 (17.258). • 1 декабрь 1978 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

ВАТАНИМИЗ ПОЙТАХТИ МОСКВАДА ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА.

ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТИМИЗДА КОММУНИСТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДАГИ УЛКАН БУНЕДКОРЛИК РЕЖАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛМОҚДАЛАР.

ОЙДИН ЙЎЛДАН

Совет кишилари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил 27 ноябрда бўлиб ўтган Пленуми тўғрисидаги ахборотни зўр қизиққиш билан, илҳомланиб кутиб олдилар. Пленум мамлакатни иқтисодий ва социал жиҳатдан янада ривожлантиришнинг ҳаётий муҳим масалаларини муҳокама қилди — СССРнинг 1979 йилги планн ва бюджети лойиҳаларини кўриб чиқди ва асосан мақуллади, тегишли қарор қабул қилди. Бу лойиҳалар СССР Олий Советининг бугун очилаётган сессиясида кўриб чиқиладн.

Пленум қарорлари шаҳар ва қишлоқларнинг миллионлаб меҳнаткашларини бениҳоя илҳомлантириб юборди. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар бу қарорларни, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг экономикамиздаги ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил қилиб, эришилган ютуқлар ва галдаги вазифаларнинг миқёслари, уларни амалга ошириш йўллари ва воситалари яққол кўрсатиб берилган нутқини қизғин муҳокама қилмоқдалар. Пленум ҳужжатларида КПСС XXV съезди белгилаб берган социал-иқтисодий программани қатъият билан амалга ошираётган партия ва халқ шиддаткорона яратувчилик фаолиятининг таъсиротли манзараси очиб берилгандир.

Ўнинчи беш йиллик уч йилнинг якунлари совет кишиларининг партия белгилаган йўл тўғрилигига бўлган ишончини яна ҳам мустаҳкамлайди. Биз бораётган йўл — бу ойдин, ленинча йўлдир. Халқимиз ўзининг фидохорона меҳнати билан Ватанимиз қудратини янги чўққига олиб чиқди. Шу йиллар мобайнида халқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш фондлари ўсишининг ўзгарма олтмишинчи йилларнинг бошига қадар бўлган барча асосий ишлаб чиқариш фондларига қариб баравар бўлди. Жадал ривожланаётган саноат, тўққизинчи беш йиллигининг шу давридагига қараганда 450 миллиард сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарди. Қишлоқ хўжалигини юксалтириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қила бориб, партия экономикамизнинг бу тармоғини ривожлантиришда ҳам салмоқли натижаларга эришишини таъминлади. Бу йилги ҳосил учун жуда оғир кураш муваффақиятли якунланди: 235 миллион тонна дон йиғиб олинди.

Мамлакат иқтисодий куч-қудратининг ўсиши билан биргаликда меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий ҳаёти ҳам бой бўлиб қолди. Хўжалик қурилиши борасидаги ютуқлар негизида уларнинг эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш учун кўп ишлар қилинди. Аҳоли пул даромадининг кўпайишига қараб чакана товар обороти ва маиший хизмат кўрсатиш ҳажми ҳам кенгайтирилмоқда. Уй-жой шароити изчиллик билан яхшиланмоқда, беш йиллик бошидан буён олти ярим миллионга яқин янги квартира фойдаланишга топширилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида келтирилган бу ва бошқа рақамлар ўтган уч йил ичида мамлакатимиз иқтисодий ва социал тараққиётининг барча йўналишларида олга қараб жуда катта қадам қўйганлигининг ишончли далилидир. 1979 йилги план эса КПСС XXV съезднинг қарорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини амалга оширишда ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш юзасидан белгиланган программанинг бажарилишида яна бир муҳим бўғин ҳисобланади. Беш йилликнинг тўртинчи йилида саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларини тезлаштириш, халқ хўжалигидаги диспропорцияни камайтиришга қаратилган бошқа қатор тадбирларнинг амалга оширилиши мўлжалланмоқда. Капитал маблағларни тақсимлаш чоғида ёнилғи-энергетика, металлургия ва транспорт каби тармоқларни ривожлантиришга кўпроқ эътибор берилди. Мамлакат мудофаа қобилияти зарур бўлган даражада сақланмоқда. Келгуси йилда беш йиллик социал программасининг йирик тадбирларидан бирини амалга ошириш — ноишлаб чиқариш тармоқлари ходимларининг иш ҳақини ошириш тугалланади.

Олга қараб ҳаракат қилишимизга тўсиқ бўлаётган камчиликларнинг қатъият билан бартараф этилиши планни муваффақиятли бажаришнинг энг муҳим шартидир. Бу камчиликларнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида қилинган таҳлили барча соҳаларда, шу жумладан халқ хўжалигининг партия, совет ва хўжалик органлари томонидан алоҳида эътибор берилиши талаб қилинадиган участкаларида ишни яхшилаш учун бирдан-бир туртки бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ана шундай участкалардан ҳисобланади. Бу товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш туб вазифалардан биридир.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми экономикани ривожлантиришнинг асосий проблемаларини уни юксалтиришни янада жадаллаштириш омилларидан тўлароқ фойдаланиш нуқтаи назаридан муҳокама қиларкан, жамоат ишлаб чиқаришни самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун бундан буён ҳам кураш олиб бориш лозимлигини таъкидлади.

Коммунистик қурилишнинг янги марраларн сари дадил бориш учун бизда ҳамма нарса мавжуд. Мамлакатимиз ҳеч қачон ҳозиргидек жуда катта иқтисодий ва илмий-техникавий қудратга эга бўлмаган эди. Ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш учун яхшигина иш қилинди, мустаҳкам, ишончли замин яратилди. Буларнинг ҳаммаси дадиллик ва ишонч ҳис-туйғуларн бахш этади.

«Биз кенг жабҳа бўйлаб олга боряпмиз, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети Пленумида. —Мамлакатимиз кўз ўнгимизда обод бўлиб бормоқда. Зафарларимизнинг кўлами кенг. Бир талай проблемаларимиз ҳам бор. Биз уларни биламиз, уларни ҳал қилиш устида доимо ишлаяпмиз ва албатта ҳал этамиз».

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи — қурилишимизнинг турли участкаларидаги конкрет, жанговар иш программамиздир. Ҳозир бу программани ҳар бир коллективга, ҳар бир кишига етказиш, унинг сўзсиз бажарилиши учун энг қулай шароитларни вужудга келтириш жуда муҳимдир. Партия ташкилотлари, ҳар бир коммунист, барча совет ва хўжалик раҳбарлари, идеология фронтининг ходимлари учун эндиликда бундан ҳам муҳимроқ вазифа бўлиши мумкин эмас.

Пленум қарорларнинг амалга оширилиши снёсий, хўжалик ва ташкилотчилик ишлари даражасининг юксак бўлишини, меҳнаткашлар ташаббускорлигининг ва умумхалқ социалистик мусобақасининг янада ривожлантирилишини тақозо қиладн. Партия юқодкорлик меҳнатнинг ажойиб намуналарини вужудга келтирадиган оммавий мусобақани иқтисодий муваффақиятларни кўпайтиришнинг, самарадорликни ва иш сифатини оширишнинг омили деб ҳисоблайди.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кишиларга бунёдкорлик куч-ғайратини бахш этди. Пленум қарорларини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб ва маъқуллаб кутиб оларкан, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар жонажон партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига янада маҳкамроқ жипслашмоқдалар. Партия ва халқнинг бузилмас бирлиги — коммунизм қурилишида янги ютуқларга эришишнинг ишончли гаровидир.

(«Правда»нинг 1978 йил 29 ноябрдаги бош мақоласи).

Тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг ўнинчи сессияси

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

Миллатлар Советининг 29 ноябрдаги биринчи мажлисида депутатлар ва мехмонлар **А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Д. Ф. Устинов, В. В. Кузнецов, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Раислик қилувчи — Миллатлар Советининг Раиси **В. П. Рубен** Миллатлар Совети план-бюджет комиссиясининг раиси **Н. И. Масленниковга** сўз берди. Н. И. Масленников СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1978 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги, СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети ҳамда СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида план-бюджет ва тармоқ комиссияларининг қўшимча докладини қилди.

Сессия арафасида, деди нотиқ КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлди. Пленум мамлакатнинг 1979 йилги плани ва бюджети лойиҳаларини асосан маъқуллади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган маърузаси ва ҳар томонлама асосланган нутқида КПСС XXV съезди қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги чуқур анализ қилиб берилди, мамлакатни бундан буёнги социал-иқтисодий ривожлантириш, халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш проблемалари қўйилди.

Миллатлар Советининг доимий комиссиялари Иттифоқ Советининг комиссиялари билан бирга иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари, СССРнинг министрликлари ва идоралари иштирокида 1979 йилги планни кўриб чиқиб, жами 138,4 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари айрим турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва реализация қилиш имкониятини кидириб топдилар ва ана шу тузатишни назарда тутган ҳолда планни тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритадилар. Комиссиялар 1979 йилги планга киритилдиган тузатишни назарда тутиб, бюджет даромадларини 138 миллион сўм кўпайтиришни таклиф қиладилар.

Комиссиялар иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг 1979 йилга қўшимча маблағ ажратиш тўғрисидаги илтимосларини кўриб чиқдилар ва район марказлари, районга бўйсунувчи шаҳарлар ва ишчи поселкаларни ободонлаштириш, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот муассасалари, қишлоқ ва поселка Советларига асбоб-ускуна, жиҳоз харид этиш ва биноларни капитал ремонт қилишга сарфланадиган ҳаражатни кўпайтириш мумкин деб ҳисоблайдилар.

Комиссиялар кўрсатиб ўтилган тузатишларни назарда тутиб СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетини даромадлар бўйича 269.214.296 минг сўм миқдорида, харажатлар бўйича 268.933.808 минг сўм миқдорида, даромадларни ҳаражатлардан 280.488 минг сўм миқдорида ортиқ қилиб тасдиқлашни таклиф қиладилар.

Нотиқ СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни даромадлар бўйича 247.819.325 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 242.790.210 минг сўм миқдорида, даромадларни ҳаражатлардан 5.029.115 минг сўм миқдорида ортиқ қилиб тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритади.

Комиссиялар 1978 йилги планнинг қандай бажарилаётганлигини анализ қилиб, мавжуд ички хўжалик резервларидан тўлароқ фойдаланилганда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришда бундан яхшироқ муваффақиятларга эришиш мумкин бўлишини таъкидладилар.

Депутат таъкидлаб айтдики, комиссияларнинг тавсиялари халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш сифатини яхшилашга қаратилган. Технологик план ва молиявий интизом даражасини ошириш, давлат стандартларининг талабларига риоя қилиш зарур.

Социалистик Ватанимизнинг меҳнаткашлари, деди пировардида Н. И. Масленников, — 1979 йилги халқ хўжалик планини тўла ва ошириб бажариб, иқтисодий тараққиёт интенсив омилларидан янада тўлароқ фойдаланиб, КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар.

Украина Компартияси Киев шаҳар комитетининг биринчи секретари депутат **А. П. Ботвин** музокарани бошлаб берди. Шу беш йиллик бошланганидан бери ўтган даврнинг ичида мамлакат эришган катта-катта муваффақиятлар иқтисодий ва сиёсий масалаларни ҳал этишда партия тўғри йўл тутаётганлигининг яққол далилидир, деди у. Ҳар бир республика коммунизм моддий-техника базасини яратишга ўз ҳиссасини қўшди. Нотиқ Украина меҳнаткашлари эришган муваффақиятларга, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришга улар қўшган ҳиссаларга тўхталди, қаҳрамон шаҳар Киевда эришилган зафарлар ҳақида гапирди.

Мамлакатнинг 1979 йилги плани ва бюджетини рўёбга чиқариш ўнинчи беш йиллик топшириқларини амалга оширишда яна бир муҳим бўғин бўлиб қолади, деди пировардида депутат.

1979 йилги давлат планини амалга оширишда, деди СССР энергетика ва электрлаштириш министри, депутат **П. С. Непорожний** электрлаштириш катта роль ўйнамоқда. Органик ёқилги турлари сарфини анча қисқартириш вазифаси қўйилган. Аммо, деди депутат, атом электр станциялари учун машина-ускуна етказиб бериш муддатларига ҳамон риоя этилмаяпти.

Министр атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига тўхталиб, энергетиклар олимлар билан биргаликда иссиқлик станциялари теварагидаги ҳаво ҳавзасини тозалаш тўғрисида қайғурмоқдалар, деди. Нотиқ уй-рўзғор жараёнларини электрлаштириш тўғрисида ҳам гапирдики, бу иш уйда нораціонал меҳнат сарфини қарийб икки баравар қисқартиришга имкон беради.

Бутун мамлакатда бўлгани сингари Россия Федерациясида ҳам ўнинчи беш йилликнинг дастлабки уч йили мобайнида экономикани ривожлантиришда, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини юксалтиришда катта-катта муваффақиятларга эришилди, деди РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, депутат **А. М. Калашников.**

Сибирдаги территориал ишлаб чиқариш комплексларида иш кўламлари кенг, БАМ қурилиши давом этмоқда. Россия Ноқоратупроқ зонасини ўзгартиришдан иборат катта кўламдаги программа ижо натижалар бера бошлади. Бу йилги қишин об-ҳаво шароитларига қарамай республикада бутун тарихда энг кўп галла ҳосили йиғиштириб олинди.

Сўнгра депутат капитал қурилиш масалаларига тўхталиб, бу ишда ҳали жуда катта камчиликлар борлигини айтди. У малакали бинокор кадрлар тайёрлашни яхшилаш зарурлиги тўғрисидаги масалани ҳам кўйди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг янги «Қўриқ» китоби Қозоғистонда зўр хурсандчилик ва ғоятда қизиқиш билан қутиб олинди, деди Қустанай областидаги «Харьковский» совхозининг трактористи депутат **К. Б. Доненбаева.** Қўриқ ерларни ўзлаштиришда қатнашган, бугунги кунда тўнғич чўлқуварлардан меҳнат эстафетасини қабул қилиб олаётганларга бу китоб айниқса яқин.

Механизатор кадрларни планли равишда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш қишлоқ хўжалигидаги топшириқлар муваффақиятли бажарилишига ёрдам бермоқда, деди у. Районда трактористлар, комбайнчи, автомобиль ҳайдовчи касбларини эгаллаган хотин-қизлар кўпаймоқда.

Тўрт боланинг онаси — К. Б. Доненбаеванинг ўзи ленинградлик тракторозлар унинг номини ёзиб, ҳадя этган К-701 маркали трактор да ишлаяпти.

Озарбайжон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **А. И. Иброҳимов** бундай деди: ўнинчи беш йилликнинг уч йили мобайнида халқ хўжалигини ривожлантириш якунлари партия мамлакатни ленинча тўғри йўлдан комил ишонч билан олиб бораётганлигини яққол исбот этади.

Бу йил, деди у, республикамиз учун жуда шодиёна йилдир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг сентябрь ойида Озарбайжонда бўлиши, унинг Боку шаҳрида Ватанинг олий мукофоти — Ленин орденини топшириши, партия-хўжалик активи билан, меҳнаткашлар билан учрашувлари партия билан халқнинг монолит бирлигини очиқ-равшан намойиш қилди, доно миллий сиёсатнинг тантанасини яна жуда равшан ифода этди.

Депутат Озарбайжон меҳнаткашлари социалистик мусобақани янада кенг авж олдирадилар. 1979 йил вазифаларининг ва бутун ўнинчи беш йиллик планининг бажарилишини таъминлайдилар, деб ваъда берди.

Тбилисидаги Димитров номли авиация заводининг йиғувчи слесари депутат **В. А. Асатиани** минбарга чиқади. Совет Грузиясининг меҳнаткашлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг қудратли Ингури электростанциясини барпо этаётган кишиларга йўллаган ва оталарча ғам хўрлик, самимият руҳи билан суғорилган табрикномаси таассуроти билан яшамоқдалар.

Неча юзлаб меҳнат коллективлари беш йиллик уч йили топшириқларини СССР янги Конституцияси қабул этилганлигининг биринчи йиллиги кунигача бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар. Ишлаб чиқаришнинг нуқки резервларидан энг кўп фойдаланиш, давлат, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш моддий ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида самарадорлик ва иш сифатини ошириш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани кенг авж олдириш натижасида бу муваффақиятларга эришилди.

Молдавия ССР Суворов райони колхозлар кенгаши қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш бирлашмасининг бригадири депутат **С. М. Лунгу** қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: республика қишлоқ хўжалигида қудратли моддий-техника базаси вужудга келтирилди. Бу база ана шу соҳани ихтисослаштириш ва концентрациялаш ҳамда ишлаб чиқаришни индустриал технологияга кўчиришни таъминлаш имконини беради. Механизаторлардан иборат коллективимиз, деди у, Молдавиянинг қурғоқ зонаси шароитларида сўгорилмайдиган ерларда гектаридан 55 центнердан дон ҳосили олди.

Депутат Молдавия меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумининг қарорларини ва беш йиллик тўртинчи йили планини муваффақиятли бажариш учун барча куч, билим ва тажрибасини сарф қиладилар, деб таъкидлади.

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

29 ноябрда кечқурун Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси бўлди.

Депутатлар ва мехмонлар **Л. И. Брежнев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, М. А. Суслов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, Я. П. Рябов, М. С. Горбачев** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлисда Иттифоқ Советининг Раиси **А. П. Шитиков** раислик қилди.

Мажлис аҳли сессиялар ўртасидаги даврда вафот этган депутат **Ф. Д. Кулаков** ва депутат **С. В. Поповнинг** хотирасини ҳурматлаб эсга олдилар.

Палата план-бюджет комиссиясининг раиси **Г. И. Вашченкога** сўз берилади. У СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги Давлат плани лойиҳаси ҳақида ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1978 йилги Давлат планининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида, СССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ва СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида план-бюджет комиссияси ва тармоқ комиссиялари номидан қўшимча доклад қилди.

Сессия арафасида, деди нотиқ, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида ва Пленумнинг қарорида ўтган уч йил мобайнида СССР халқ хўжалигини ривожлантириш якунлари ҳар томонлама чуқур анализ қилинди, 1979 йил планини тўла ва ошириб бажариш. КПСС XXV съезднинг қарорларини ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини амалга ошириш йўллари кўрсатиб берилди.

Нотиқ 1979 йилги план ва бюджет лойиҳалари экономикани ва халкнинг турмуш даражасини узлуксиз ўстиришни кўзда тутади, деди.

СССР Олий Совети Президиумининг топшириғига мувофиқ, комиссиялар 1978 йилги планнинг қандай бажарилаётганлигини, мамлакатнинг 1979 йилги план ва бюджет лойиҳаларини, 1977 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни батафсил кўриб чиқдилар ва план ҳамда бюджетнинг топшириқлари экономикани ривожлантириш юзасидан КПССнинг XXV съезди ва партия билан ҳукуматнинг шундан кейинги қароларида белгиланган асосий йўналишлари ва вазифаларига мос бўлиб тушади, деб СССР Олий Советига маълум қиладилар.

Комиссиялар план ва бюджет лойиҳасини кўриб чиқиш вақтида диққат-эътиборни ишлаб чиқаришни янада ўстириш ва унинг самарадорлигини ошириш резервларини кидириб топишга, 1979 йил топшириқларини ва умуман беш йилликни муваффақиятли бажаришга ёрдам берадиган таклифлар ҳамда тавсияларни ишлаб чиқишга қаратдилар.

(Давоми иккинчи бетда).

СЎНГГИ ЧАНОҚЛАР

УЙҒУН,
Ўзбекистон халқ шоири

Сўнгги чаноқларнинг қиммати
баланд,
Олтин торозига қўйилган дурлар!
Уларнинг бағрида дурга айланган
Ёз бўйи қуёшдан тўкилган нурлар!
Дурлар эгатларда қолиб кетмасин,
Ахир, улар бизнинг ризқи-рўзимна!
Лабзи ҳалоллармиз элга сўз берган,
Качон ерда қолган эди сўзимиз?!
Ҳа, сўзимиз асло ерда қолмайди!
План тўлмагунча кўнглимиз тўлмас!

Азиз биродарлар, қадрдон дўстлар,
Яна бир шижоат қилмасак бўлмас!
Пахтакор дейилган улуғ номимиз
Бу йил ҳам дунёга бўлажак достон!
Навбат чаноқларга ва кўсакларга
Шулардан уюлар каттакон хирмон!
Олтин нима? Пахта олтиндан афзаал!
У олтин қўлларнинг асл инъоми!
Муқаддас, муътабар, суюкли, нодир
Ўзбек ўлкасида пахтанинг номи.
Чаноқларда ҳикмат, мўъжиза кўпдир.
Улар яратилган пешона тердан.

Улар пахтакорнинг юрак қўридир
Пахта бўлиб унган муқаддас ердан!
Фурсатни ғанимат, бебаҳо билиб,
Сўнгги толаларни йиғиб олайлик.
Бу йил ҳам ваъданинг устидан чиқиб,
Зафардан жаҳонга довруг солайлик!
Сўнгги, кўсакларнинг қиммати катта,
Олтин торозига қўйилган олмос.
Аминмиз, қадрдон пахтакор дўстлар,
Бир грамм ҳам пахта тупроқда
қолмас!

1978 йил, ноябрь.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

БЕРУНИЙ

Район пахтакорлари Ватанга 42600 тоннадан знёд «оқ олтин» топшириб йиллик планни шараф билан бажардилар. Ҳар гектар майдондан 36 центнердан ҳосил олинди. Толмас техника жиловкорлари машина терими планини Автоном республикада биринчи бўлиб уддалаган эдилар. Улар машиналарда пландагидан 9000 тонна кўп ҳосилни териб беришди.

МИРЗАЧЎЛ

Қўриқ район чўлқуварлари мажбурият ҳисобига пахта топширишни бошлаб юбордилар. Ҳозиргача топширилган «оқ олтин» 54400 тоннадан ошиб кетди. Бу ўтган йилги шу даврдагидан қарийб 6 минг тонна кўп демакдир. Давлатга топширилган пахтанинг 85 процентини дала гвардиячилари теріб беришди.

КАТТАҚЎРҒОН

Район заршуносларн дастлабки довондан ошдилар. Улар тиклаган хирмон 62500 тоннани ташкил этмоқда. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 30 центнердан ошиб кетди. Моҳир механизаторлар машина терими планни ҳам муваффақиятли бажардилар.

ИШТИХОН

Пахта йиғим-теримини комплекс механизациялаштириш йўлидан бораётган иштихонликлар ажойиб ғалабани қўлга киритишди. Улар давлатга 62100 тонна қимматли хом-ашё етказиб мажбурият ҳисобига пахта топширишни давом эттирмоқдалар. Ҳосилнинг салкам 80 процентн бункерлардан бўшатилди. Районда машина терими пешқадамлар қатори барвақт уддаланганди.

ПАЙАРИҚ

Пайариқлик пахтакорлар Ватан омборига 65590 тоннадан ортиқ дурдона топшириб халқ хўжалик планини адо этдилар. Бу ҳосилнинг 65 процентн азамат механизаторлар томонидан териб олинди. Айни кунларда қолган ҳосилни йиғиштириб олиш ва келгуси йилга замин ҳозирлаш намунали олиб борилиятн.

УЛКАН «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИ УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борнши тўғрисида шу йил 30 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

ҚАШҚАДАРЁ	0,19	106,53	0,20	104,71
ЖИЗЗАХ	0,48	105,64	—	104,35
БУХОРО	0,08	104,18	0,13	106,70
НАМАНГАН	0,09	102,19	0,04	108,50
ФАРҒОНА	0,18	101,24	0,32	93,26
ТОШКЕНТ	0,41	100,96	0,39	98,48
СУРХОНДАРЁ	0,34	100,85	0,25	100,77
АНДИЖОН	0,14	100,53	—	104,07
Самарқанд	0,62	96,92	0,47	103,85
Сирдарё	0,50	89,55	0,09	84,06
Хоразм	0,19	85,43	0,19	97,26
ҚҚАССР	0,35	75,31	0,31	75,55
Республика бўйича	0,28	97,88	0,20	98,72
Шу жумладан ингичка толали пахта				
БУХОРО	0,19	106,69		
Қашқадарё	0,45	95,36		
Наманган	0,13	94,14		
Сурхондарё	0,59	93,06		
Республика бўйича:	0,52	94,88		

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

Комиссиялар КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми ўртага қўйган вазифаларни амалга ошириш учун катта аҳамиятга молик бўлган бир қанча масалаларга алоҳида эътибор бердилар.

Доимий комиссиялар қўшимча резерврлари қидириб топдилар ва СССРнинг 1979 йилги Давлат плани ҳамда Давлат бюджети лойиҳаларига ўзгартиришлар киритиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини, шунингдек Давлат бюджетининг даромадларини 138 миллион сўм миқдорида кўпайтириш таклиф этилади. Иттифоқдош республикаларнинг бюджетларидан қилинадиган ҳаражатларни 138 миллион сўм кўпайтириш тўғрисида таклиф киритилади.

Депутат комиссиялар номидан иқтисодий ва социал ривожланишнинг СССР ҳукумати томонидан тақдим этилган 1979 йилги Давлат планини киритилган тузатишларни ҳисобга олиб маъқуллашни таклиф этди.

1979 йилги Давлат бюджетини комиссиялар томонидан киритилган тузатишларни ҳисобга олиб, даромадлар бўйича 269.214.296 минг сўм харажатлар бўйича 268.933.808 минг сўм миқдорида тасдиқлаш ҳам таклиф этилади.

Комиссиялар 1977 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиб, бу ҳисоботни қўйидаги суммаларда—даромадлар бўйича 247.819.325 минг сўм, ҳаражатлар бўйича 242.790.210 минг сўм миқдорида тасдиқлашни таклиф этадилар.

Г. И. Вашченко сўзининг охирида қуйидагилари таъкидлаб ўтди: беш йиллиknинг уч йили мобайнида КПСС XXV съезднинг қарорларини амалга ошириш соҳасида эришилган муваффақиятлар, совет кишилари снёсий активлиги ва меҳнат ғайратининг юксалиб бораётганлиги сессияда тасдиқланган топшириқлар муваффақиятли сўратда тўла ва ошириб бажарилишига қатъий ишонч бахш этади.

Шундан кейин РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **Н. Ф. Васильев** сўзга чиқди. РСФСР меҳнаткашлари, деб таъкидлади у, барча қардош республикаларнинг меҳнаткашлари билан биргаликда мамлакатимизнинг экономикасини юксалтиришдан иборат умумхалқ ишига ҳисса қўшмоқдалар. Республика саноати маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларидан қўпчилигини ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми жиҳатидан ўн бир ойлик планни муддатидан илгари бажарди.

Нотиқ Ноқоратупроқ зона ўз қиёфасини қандай ўзгартираётгани тўғрисида гапирди. Бу иш ўз аҳамияти жиҳатидан, деди у, партиямиз аграр сиёсатининг энг муҳим бўғинларидан бири деб ҳисобланади.

Депутат Сибирь ва Узоқ Шарқнинг табиий бойликларини комплекс ўзлаштириш ва ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш тўғрисида гапириб, бу чора партия XXV съезднинг қарорларини бажариш учун гоят муҳим аҳамиятга эгадир, деб уқтириб ўтди.

Украина ССР қардош совет халқлари билан дўстона ёнлада беш йиллиknинг юксак марралари сари комил ишонч билан олга бормоқда. Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат **А. А. Титаренко** республика меҳнаткашларининг зафарлари тўғрисида гапирди.

Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайиб бормоқда, маҳсулотнинг сифати такомиллаштирилмоқда. Қишлоқ хўжалиги тез суръатлар билан ривожланмоқда. Украина галлакорлари бу йил рекордли ялпи дон ҳосили етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Депутат беш йиллик топшириқларини бажариш соҳасидаги ишни жадаллаштирувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолган социалистик мусобақани такомиллаштириш йўлларини батафсил анализ қилди. Республикадаги неча юз мингдаб илғор ходимлар, кўп коллективлар уч йиллик топшириқларни бажардилар ва комил ишонч билан иш суръатларини жадаллаштирмоқдалар.

СССР 50 йиллиги номли Чайковский шоён-газлама комбинатининг тўқувчиси (Пермь области) депутат **И. А. Зуйкина** ривожланган социалистик жамиятнинг ғалабалари ҳақида, совет кишиларининг тинч эркин меҳнати тўғрисида зўр ифтихор билан гапирди. Беш йиллик топшириқларини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача бажариш йўлидаги ҳаракат тобора кенг ривожланмоқда.

Комбинат коллективи, деди депутат, газлама ишлаб чиқаришни зўр ғайрат билан кўпайтирмоқда, маҳсулотнинг сифатини яхшилашга интилмоқда. Социалистик мусобақа, кўп станоклилар ҳаракатини ривожлантириш, мураббийлик ҳаракати бу соҳада гоят муҳим аҳамиятга эгадир. Нотиқ корхона цехларини комплекс реконструкциялаш зарур эканлиги тўғрисидаги масалани ўртага қўйди ва бу чора истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжларини яхшироқ қондираётган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради, деди.

КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари депутат **В. Н. Макеев** пойтахт меҳнаткашларининг беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун ўтказаётган мусобақаси тўғрисида сўзлаб берди. Шаҳардаги барча саноат корхоналари квартал ва йиллик топшириқларни бир меъёрда бажармоқдалар. Маҳсулот сифати учун актив кураш олиб бориш эндиликда пойтахтдаги барча меҳнаткашларнинг энг актуал вазифаларидан бири бўлиб қолди. Саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида олий сифат категориясидаги буюмларнинг салмоғи ўтган беш йиллиknинг шу даврдагига нисбатан икки баравар кўпайди.

Нотиқ министрлик ва идораларнинг иши ҳақида бир қанча танқидий мулоҳазаларини айтди. У пойтахтдаги завод ва фабрикаларни янада кенг кўламда ва зўр ғайрат билан реконструкция қилиш зарур эканлигини таъкидлади. Оғир ва сермеҳнат ишларни механизациялаштириш мақсадини кўзда тутган ишларни бажариш гоят муҳимдир.

СССР қора металлургия министри депутат **М. П. Казанец** бундай деди: совет металлургиясининг ҳаётий вазифаларини бажариш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасида, ҳар бир цехида, ҳар бир участкасида ишлаётган ишчилар, инженер-техник ва иқтисодчилар ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида ва ишлаб чиқаришнинг ҳар бир минутидан тўлиқ фойдаланиш учун ҳамма имкониятларни ишга солмоқдалар. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир минутидан тўлиқ фойдаланиш —

ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

Ўзбекистон пахтакорларининг фидокорона меҳнат кунлари ҳақида

«Мард майдонда синаладн», — деган нақл бор ўзбекларда. Шу кунларда ҳам очилиб турган чаноқлардаги пахтадан кўра эрта тушган қорДан оқариб турган далаларни кўрганингда об-ҳаво қийинчиликлари ҳеч қачон деҳқонларнинг осуда жасоратига бас келолмаслигига яна ва яна ишонч ҳосил қиласан киши.

Бу йилги «оқ олтин» мавсуми республика пахтачилиги тарихига энг машаққатли ва қийин, шу боисдан ғоят қаҳрамонона мавсум бўлиб киради. Об-ҳаво қийинчиликларига қарамай миллион-миллион тонна пахта йиғиштириб олинди. Унинг ҳар бир килограмми шундай машаққатлар билан йиғиштириб олинмоқда.

Республикадаги энг тинимсиз ишлайдиган телефон линияси Тошкентдаги гидрометеорология хизмати линиясидир. Бу ерга республика идораларидан, областларидан, районларидан ва хатто колхозлардан тинимсиз қўнғироқ қилиб туришибди. Лекин кўпроқ Самарқанддан қўнғироқ қилишмоқда. Бу область географик жиҳатдан бошқа областларга қараганда денгиз сатҳидан бирмунча юқорига, яъни таъбир жоиз бўлса, осмонга яқинроқ жойлашган. Куз осмони эса шу кунларда жуда ишончсиз.

Самарқанд областининг пахта далаларига чиқишдан олдин Даҳбетдаги область метеостанциясига кириб ўтдим. Бу станция республикадаги 50 станциядан бири ҳисобланади. Бу ерга шу машаққатли йилнинг об-ҳаво шароитлари аниқ манзараларини кунма-кун хотирамда тиклаш учун кирган эдим.

— Мана жадвал, — деди станция бошлиғи Н. Симонов. — Апрелнинг биринчи ўн кунлиги илиқ келди. Чигит бемалол экилаётганди. 11—13 апрель кунлари ёмғир ёғди. Ҳаврорат нормадагидан 6 даража паст бўлди. 22—24 апрель кунлари жала қуйди. 26—27 апрелда дўл ёғди... 3—4 май кунлари ёғингарчилик бўлди, 24 май куни жала қуйди... Ғўза ниҳолида чинбарг етти кун кечикиб, учинчи барг ўн уч кун кечикиб, бешинчиси одатдагидан ўн тўрт кун кечикиб пайдо бўлди. Ғўза 28 июндагина гуллади...

Вазият ана шундай эди. Баҳордаёқ об-ҳаво: йиғим-терим мавсуми осон кўчмайди, деб пахтакорларни огоҳлантирганди бўлди. Ҳисоб-китоблар йиғим-теримнинг ноябрда ҳам давом этишидан далолат берарди. Шу боисдан нима қилиб бўлмасин ҳосилнинг асосий қисмини октябрда йиғиб-териб олиш зарур эди. Ҳақиқатан ҳам самарқандликлар октябрь ойида олга қараб алп қадам ташладилар: 341 минг тонна, йиллик планнинг 64 процентн миқдорида пахта тайёрладилар. 1977 йилда шу муддатда 36 процент тайёрланган эди. Ноябрь ойига кунига 1,7 процент ўсиш билан кириб келдилар. Улар иш шу зайлда кетса маррага 15 ноябрда етиб келишлари керак эди. Лекин метеостанция журналининг кузги ёзувларига назар ташланг:

2 ноябрь куни ёмғир ёғди. 3 ноябрь куни кундузи қор ёғиб, кечаси ҳаврорат кескин пасайиб кетди. 4, 5 ва 6 ноябрь кунлари далаларни оппоқ қор қоплаганди. Байрам кунлари осмон ғоят бегубор бўлса-да, аёзли кунлар бўлди. Пахтакорлар зарбдор байрам вахтасига чиқишди. Аммо 9 ноябрь куни яна қор ёғди. Ўша кундан буён то 28 ноябрга қадар осмон сира ёришмади. Йиғим-теримнинг машаққатли формуласини қаранг: пахта-ку ўн кун кечикиб пишганди, қор бўлса бўлса-да, далаларда ҳали ҳосил бор эди. Байрам кунлари маккажўхоридан рекорд ҳосил олишга эришгани учун унга СССР Давлат мукофоти берилгани маълум бўлганди. Бу йил яна ҳар гектар ердан 129,5 центнердан дон ҳосили олди. Маккажўхорини ўн кундаёқ ўриб-йиғиб олди. Дарҳол «Херсонец»ни қўйиб, пахта териш машинасига ўтди. Уз хўжалигида 200 тонна пахта териб беради, кейин мусобақадош колхозга ёрдам бергани берди. Аммо ёғингарчилик бўлиб қолди. Лекин Жўрақул қўл қовуштириб туришни эп билмади. Этак тутиб, далага чиқди. Унга алоҳида иш топширилди.

Йиғим-теримнинг бошиданоқ очилмаган кўраклардан олинадиган пахта бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўп бўлиши маълум эди. Пахта тайёрлаш суръатлари кўп жиҳатдан чаноқлардаги пахтани ажратиб олишга, кўрак чувиш машиналарининг унумдорлигига боғлиқ эди. Шунга кўра бошқа хўжаликларда бўлгани каби Охунбобоев номли колхозда ҳам бу машиналардан кўплаб махсус тозалаш цехлари тузилди. Ҳар бир цех учта ва ҳатто тўртта бригадага боғлаб қўйилди. Машина ва механизмларга хизмат кўрсатиш дарҳол яхшиланди, кўрак чувиш машиналарига хизмат кўрсатувчи трактористларнинг бир қисмидан фойдаланишга эҳтиёж қолмади.

Аммо бу ерда ҳам об-ҳаво ўз тузатишларини киритди. Кўрак чувиш машиналарини зудлик билан бостирмаларга олиб келиш лозим бўлиб қолди. Бунинг учун яна «цех»ларни йиғиқлаштиришга тўғри келди. Йўлларда юриб бўлмай қолди, терилган кўракни ташиб келтириш қийинлашди. Шунга кўра кўрак чувиш жойини далага яқинлаштиришга тўғри келди.

Охунбобоевликлар айни бир пайтда қўшимча равишда тўртта бостирма тайёрлашди. Бостирманинг устини шифер ва брезент билан ёпишди. Область бўйича бир неча кун ичида юзлаб шундай бостирмалар тайёрланди, баъзи жойларда уларнинг устига плёнкалар ёпилди. Дарҳол электр ўтказиб, кўрак ташиш линияларини ва пахтани олиб кетиш йўлларини барпо этиш, оддий механизацияни жорий этишга тўғри келди. Мана шунда Ж. Қўшоқовнинг тажрибаси қўл келиб қолди. Кўрак чувиш цехларига хизмат кўрсатиш учун бошқа кўплаб колхоз механизаторлари ҳам киришишди.

Яна тузатишлар киритишга тўғри келди. Энди тузатишга тузатиш киритилди. Кўрак чувиш машиналари бостирмаларда тургани билан қўлда терилган кўсакларнинг очилган табақаларн ивиб кетиб ёпиқ чаноқларга шиллиқ тушиб, машиналар ишини тўхтатиб қўйди. Шундай бўлишини олдиндан билишган эди. Дарҳол кўракларни хонадонларга тарқатишди. Теримчилар кечкурун далаДан қайтиб келиб кўрак чувишга киришдилар. Бир вақтлари худди шундай қилинарди. Бундан бошқа илож йўқ эди. Аммо бу билан ҳам қийинчиликни енгиб бўлмасди.

Шунда ҳўл кўракни тўғридан-тўғри даладан тайёрлов пунктларига келтириб, тўппа-тўғри қуритиш-тозалаш цехларига юбориш керак деган қарорга келинди. Маълумки, бу цехлар тоза пахтани меъёрига етказиб қуритиш учун мўлжалланган эди. Аммо кўз кўрқоқ, кўл ботир дейишди. Барабанлар, мой етказиб бериш мосламалари созланди. 200 даражали ҳароратда чаноқлар қуруқшаб, пахта енгил кўчади... Тўппа-тўғри бунт томон ГОСТ нормасидаги пахта чиқаверди. Ноябрнинг йигирма етти кунидан йигирма куни қор-ёмғирли бўлди. Ҳеч нима қилиб бўлмасдек туюлган эди. Самарқандликлар эса шу вақт ичида ҳамма машаққатларни енгиб 71,1 минг тонна пахта топширдилар. Кунига йиллик планнинг 0,6 процентн миқдорида ўсишга эришмоқдалар. План тўлишига унча кўп кун қолгани йўқ.

Хўжаликларнинг раҳбарларидан шу кунларда қайси механизатор ёки коллектив алоҳида ажралиб турди деб сўрасангиз, кўпинча «Ҳамма!» деган жавобни эшитасиз. Дарҳақиқат, ҳозир бирорта одамни алоҳида ажратиб кўрсатиш қийин, устига-устак теримдаги рекорд кўрсаткичларни айтиш ундан ҳам қийин. Қаҳрамонлик — оммавий, жасорат чиндан ҳам оммавий бўлмоқда.

Студентлар, юқори синфларнинг ўқувчилари, корхона ва қурилишлардан зарбдор бригадалар қишлоқ меҳнаткашларига ёрдам беришга чиқишди. Улар ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам далага чиқиб пахта теришмоқда.

Оперативлик, пухта иш тутиш — бугунги кунда асосий нарсадир. Тошкент яқинидаги «Ленинский путь» колхозида кўрак териш машиналарининг ғилдираклари жўяклардa ботиб қолганида «ДТ-75» ҳайдов трактори олиб чиқишди. Прицеп мосламасига швеллер ўрнатиб, агрегатларни осишди. Шундан кейин трактор пайкал бўйлаб енгил одимлаб, ҳатто ёмғирда ҳам кўрак тера бошлади. Самарқандликлар бу ҳақда Тошкентдан телефон қилиб билиб олишгач, дарҳол механизаторларга кўрак териш машиналарини тракторларга ўрнатиш ҳақида тавсиянома беришди.

... Пешин чоғи Тошкент радиоси бўйлаб қишлоқ хўжалик ходимлари учун бериладиган эшиттиришнинг ҳаммага таниш куйи янгради. Бу эшиттириш тушки овқат пайтида берилади. Шу боисдан даладагилар ҳам бунга қатъий риоя қилишади, ахир эшиттиришни ҳамма тингласи керак-да. Эшиттириш одатда шу куни планни бажарганларга аталган катта концерт программаси билан ниҳоясига етади. Аммо эшиттириш ахборотдан бошланади. Пахта тайёрлаш ҳақидаги, об-ҳаво ҳақидаги ахборотдан бошланади. Бунтларда 5.350 минг тоннадан зиёд пахта тўпланди. Октябрнинг бошларида ўтган йилги тайёрлаш суръатидаги фарқ бир ярим миллион тонна эди. Эндиликда уч юз минг тоннага қисқарди. Қашқадарё ва Бухоро пахтакорлари изидан Жиззах, Фарғона, Наманган, Андижон, Сурхондарё, Тошкент областлари ҳам планларини бажарib қўйишди. Ўзбекистонда ва бошқа пахтакор республикаларда пахта йиғим-теримида эришилган даражага ўрток Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Пленумида юксак баҳо бериб, буни катта муваффақият деб атади. У ишонч билдириб айтдики, пахтакорлар бундан буён ҳам пахта етиштиришни кўпайтирибгина қолмай, унинг сифатини ҳам оширадилар. Бу хабар бамисоли яшиндай бутун далалар бўйлаб таралди. Қаҳрамонона йиғим-терим мавсумини зарбдорларча якунлаймиз деган жўшқин ҳиссиётни туғдирди.

Ҳаво—жаҳон очилгандай бўлди. Осмон мусаффо. Лекин қачонгача шундай бўларкин? Республика бўйича ўтказилган сим орқали кенгашда синоптиклардан бундай деб сўрашган эди: «Аҳалли ўн кун очиқ кун бўлишини ваъда қила оласизларми?» — «Йўқ». — «Ётти кун-чи?» — «Билмадик». «Нима ҳам дердик, шунисига ҳам раҳмат. Аммо ҳаво очиқ келадими, йўқми — барибир план тўлади, берган сўзимизнинг устидан чиқамиз». Бутун Ўзбекистон бугунги кунда ана шундай меҳнат шижоати билан яшамоқда. Тошкентликлар, сирдарёликлар ва Амударёнинг қуйи этакларидаги пахтакорлар сингари самарқандликларга ҳам жуда машаққатли имтиҳонларни енгишларига тўғри келди. Улар мана шу имтиҳонни ғалабага бўлган иродалари билан кутиб олдилар. Сўзлари ва ишлари билан амалда исботламоқдалар.

Г. ДИМОВ,
«Известия»нинг ўз мухбири.
Самарқанд области.

(«Известия»нинг 28 ноябрдаги Москва учун чиқарилган кечки сони).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республиканинг партия ва совет органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Риштон район комитетининг биринчи секретари Содиқ Охуновни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республиканинг қурилиш ташкилотларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлганлиги муносабати билан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар ремонт қурилиш трестининг бошқарувчиси Павел Павлович Осиповни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика тайёрлов системасида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Самарқанд область нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармаси идишлари ремонт қиладиган фабрикасининг директори Ғайбулла Содиқовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Қашқадарё областидаги саноат корхоналарининг меҳнат коллективлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, маҳсулотни реализация қилиш ўн бир ойлик программасини муддатидан аввал, 27 ноябрь куни бажардилар. Ноябрь ойининг охиригача қўшимча равишда 5 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш мўлжалланмоқда. (ЎзТАГ).

Республикамиз пахтакорлари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларн ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги нутқидан илҳомланган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Арнасой районидаги Жуков номли совхоз чўлқуварлари ҳам кунлик хирмон салмоғини оширмоқдалар. Улар пахта етиштиришни кўпайтириш билан бирга ҳосил сифатига ҳам алоҳида эътибор беришяпти.

Суратда: 3-бўлим бошқарувчиси Қўйлибой Малимов (чапда) ва 2-бригада бошлиғи Ғайбулла Умрқулов пахта сифатини кўздан кечирмоқдалар.

И. Хонкелдиев ва С. Серикбоев фотоси.

ШАҲАР БАЙРОҒИДА ОРДЕН

НАРВА (Эстония ССР). (ТАСС). Шу кунларда республика меҳнаткашлари тарихий санани — Эстляндия меҳнат коммунаси эълон қилинганлигининг 60 йиллигини нишонламоқдалар. Бу тантаналар бошқа бир қувончли воқеага — Нарва шаҳрига Меҳнат Қизил Байроқ орденини топшириш тантанасига тўғри келди. Шаҳар хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари учун, революцион хизматлари учун ана шу юксак мукофотга сазовор бўлди.

29 ноябрда шаҳар партия комитети билан халқ депутатлари шаҳар Советининг тантанали мажлиси бўлди. Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Г. Вайно ана шу мажлисда нутқ сўзлаб, шаҳар меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик планлари ва мажбуриятларини бажариш учун олиб бораётган фидокорона курашлари билан Нарва шонли йилномасига янги саҳифалар ёзаётганликларини таъкидлаб ўтди.

К. Г. Вайно гулдурос қарсаклар остида шаҳар байроғига ордени қадаб қўйди.

Мукофотга жавобан, дейишди мажлис қатнашчилари, Нарва меҳнаткашлари КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми қарорларини амалга оширишнинг учун социалистик мусобақани янада зўр ғайрат билан авж олдирадилар.

ФАЛАСТИН ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИК

29 ноябрь куни Москвадаги дўстлик уйида фаластин халқи билан бирдамлик халқаро кунига бағишланган йиғилиш бўлди. Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг раиси М. А. Иброҳимов доклад қилди.

Йиғилиш аҳли империализм ва реакциянинг фаластин халқига қарши кирдикорларини кескин қоралади, унинг қонуний миллий ҳуқуқларини қайта тиклаш учун ўз сиёсий авангарди — фаластин озодлик ташкилоти раҳбарлигида олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлади.

Фаластин озодлик ташкилотининг СССРдаги ваколатхонаси бошлиғи М. Аш-Шаер ўз нутқида КПСС билан Совет давлатининг Яқин Шарқда мустаҳкам ва одилона тинчлик йўлида фаластин халқи ва бошқа араб халқлари олиб бораётган курашни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ва унга ёрдам беришга қаратилган принципиал ва изчил сиёсатини юксак баҳолади.

* * *

БМТ ташаббусига биноан ўтказилаётган фаластин халқи билан бирдамлик халқаро куни муносабати билан Киев, Минск ва бошқа шаҳарларда ҳам совет жамоатчилиги намояндаларининг митинг ва йиғилишлари бўлиб ўтди.

(ТАСС).

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтасига ёзилсин:

Жарқўрғон райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Рустамов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Боймуродов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Остонова, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Маматхолов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Бобоназаров, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Донаев;

Қамаши райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Оллаёров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Бозоров, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Муҳитдинов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Эшонкулов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Шоймардонов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Хайитов;

Мирзачўл райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Сериков, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Оналбоев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Жоланқулов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Тўлибоев, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Кўракбоев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Шайбергенов;

Каттақўрғон райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Туробов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Шодиев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Назаров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Зувайдуллаев, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Мамутов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Турдиев;

Пайариқ райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Сайдиев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Турсунов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Нафасова, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳмонов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Кобилов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳусанов;

Иштихон райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Жўраев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Йўлдошев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Шаропов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдуллаев, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Раҳимов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Степанов.

Байроқдор институт

Тошкент халқ хўжалиги институтининг студентлари пахтакорларга мадад кўрсатишда тенгдошларига намуна бўлмоқдалар. Улар Жиззах областининг Арнасой райони пахтакорлари муваффақиятига ўз ҳиссаларини қўшаётирлар. Институт студентлари коллективи қисқа вақт ичида уч минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» теріб, район хирмонининг салмоғига барака киритдилар.

Райондаги Тимошенко номли, Фучик номли ва Бо-рошилов номли совхозларда пахта теримида ёрдам кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги, учёт, план, савдо иқтисоди, кибернетика иқтисоди, молия иқтисоди факультетларининг студентлари яхши ютуқларга эришмоқдалар. Институт коллективи область хўжаликларида пахта теримида қатнашаётган олий ўқув юртлари мусобақасида уч беш кунлик мобайнида муттасил биринчи ўринни эгаллаб, кўчма Қизил байроқни доимий сақлаш учун қолдирилишига эришди.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЖАҲОННИНГ КЎПГИНА ТИЛЛАРИДА

ПАРИЖ. (ТАСС). ЮНЕСКО хабар беради: Леонид Ильич Брежневнинг асарлари, унинг нутқлари 1973 йилнинг ўзидагина Қўшма Штатларда, ГФР, Япония, ГДР, Польша, Болгария, Финляндия, Швеция, Чехословакияда ва бошқа мамлакатларда таржима қилинди. Л. И. Брежнев асарларининг жами турли тилларда таржима қилинган салкам 100 нашри ЮНЕСКОда рўйхатга олинган.

Л. И. Брежневнинг «Ленин йўлидан», «СССРнинг ички сиёсати ва халқаро муносабатлари тўғрисида», «КПСС барча революцион ва тинчликсевар кучлар бирлиги учун курашмоқда», «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида» деган асарлари унинг таржима қилинган асарлари орасида айниқса диққатга сазовордир.

АФҒОН ХАЛҚИНИНГ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

КОБУЛ. (ТАСС). Афғонистон Демократик Республикасининг Революцион кенгаши ер ҳақидаги декретни тасдиқлади. Шу декретга биноан ер ислоҳоти ўтказилади.

АДР Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Нурмуҳаммад Тараки мажлис қатнашчилари ҳузурида гапириб, ислоҳотни ўтказиш жуда катта аҳамиятга молик воқеадир ва у афғон халқининг манфаатларига тўла-тўкис мос келади, деди. Революцион кенгашнинг ер ислоҳотини ўтказиш тўғрисидаги қарори Афғонистонда ҳар бир граждан меҳнати ва қобилиятига яраша ҳақ оладиган жамият қуриш йўлини очиб беради. Бу жамиятда одамни одам эксплуатация қилишига тамомила барҳам берилади.

Н. Тараки Афғонистон ички сиёсатининг баъзи масалаларига тўхталиб, революция душманлари ва ички реакция тамомила мағлубиятга учраганликларини айтди. Афғон халқига порлоқ келажак йўлини очиб берган Апрель революциясининг иши узил-кесил тантана қилди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◎ ГАВАНА. Кубада шакар қамиш ўриш кенг авж олиб кетди. Мамлакатдаги виloятлар бирин-кетин шакарқамиш ўриш ва уни қайта ишлашга киришмоқда.

Шу мавсумда 2200 дан зиёд ўрим-йиғим комбайни далаларга чиқаришди. Бу эса бутун ҳосилнинг қариб ярмини машиналар ёрдамида йиғиштириб олиш имконини беради.

◎ БРЮССЕЛЬ. Бу ерда Европа Иқтисодий ҳамжамияти министрлар советининг сессияси очилди. Бу сессия меҳнат министрлари ва социал иш министрлари иштирокида ўтказилмоқда. «Умумий бозор» мамлакатларида ишсизликнинг авж олаётганлиги сессиянинг кун тартибида турган асосий масаладир.

◎ КОТОНУ. Ломадан хабар беришларича, 1977 йил октябрь ойида ҳукуматга қарши фитна фош қилинган эди. Шу фитнани текшириш қандай бораётганлиги тўғрисидаги маълумотлар Того Республикасининг пойтахтида эълон қилинган. Мамлакатнинг президенти Гнасингбе Эйадема матбуот конференциясида сўзлаган нутқида давлатнинг собиқ бошлиғи С. Олимпионинг қаринДош-уруғлари, шунингдек Тогодаги бадавлат тўданинг баъзи вакиллари фитнада қатнашганлигини билдирди.

(ТАСС).

ЖАМИЯТ ВА ДИН

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Совет—Ҳиндистон илмий анжумани ижтимоий ҳаётни диннинг таъсиридан халос қилиш проблемаларига бағишланди. Илмий анжуманни СССР Фанлар академиясининг Этнография институти, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси Илмий-атеизм институти ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биргаликда уюштирдилар. Ҳиндистон томонидан симпозиум ташкилотчиси сифатида ижтимоий фанлар соҳасида тадқиқотлар бўйича Ҳиндистон Кенгаши вакиллари қатнашдилар.

Ташкилот комитети раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Марат Коптлеуевич Нурмуҳамедов мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди.

— Ижтимоий ҳаётни диннинг таъсиридан халос қилиш проблемаларига бағишланган олимларнинг халқаро учрашуви Совет Иттифоқида биринчи марта ўтказилди. Анжуман мавзуига муҳим аҳамият берилиши бежиз эмас. У илмий жиҳатдангина эмас, назарий жиҳатдан ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунки жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида дин ҳамон социал, маданий ва ҳатто сиёсий ҳаётга таъсир ўтказувчи катта қучлигича қолмоқда. Дин кўп асрлар бурун таркиб топган урф-одатларни қувватлаб ривожланаётган мамлакатлардаги илғор ўзгаришларга халақит бермоқда. Бу эса жамиятнинг ҳозирги замон талабларига зиддир. Шунинг учун ҳам динининг ролини чеклаш, бўшаштириш вазифаси бугунги кунда кўпгина мамлакатлар учун ўз актуаллигини йўқотгани йўқ.

Бу борада совет олимлари кенг кўламда илмий иш олиб бораётганликлари анжуман иштирокчилари диққатига ҳавола этилган кўплаб докладлардан кўринib турибди. Ҳинд олимларининг бу проблемага қизиқишлари ҳам тушунарли. Ҳиндистон аҳолиси орасида диннинг таъсири ҳали жуда кучли. Бу мамлакатда миллий ва диний чекланганликни ёқловчи доиралар ўз манфаатлари йўлида диндан моҳирона фойдаланмоқдалар. 560 миллион аҳолиси бўлган Ҳиндистонда индуистлар 453 миллиондан зиёдроқ кишини ташкил этади. Лекин мусулмонлар ҳам оз эмас — 61 миллиондан зиёд. Ана шу рақамларнинг ўзи диннинг кучли таъсири сақланиб турган бир шароитда индуистлар билан мусулмонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар проблемаларининг миқёслари ҳақида яхши тасаввур бера олади. Ҳинд олимлари ўз докладларида Ҳиндистонда ҳозирги пайтдаги диний вазиятнинг асосий белгиларини ёритдилар.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари кенгайиб ва ривожланиб бормоқда. Ҳар икки мамлакатдаги сиёсий система, социал тузум турлича. Лекин бу нарса ҳар икки мамлакат халқларининг дўст бўлиб яшашига ҳалақит бераолмайди. Дўстликда яшаш учун эса бир-бирини яхшироқ билиш ва яхшироқ тушуниш керак. Илмий анжуманнинг асосий мақсади ҳам ана шунга қаратилган. Биз Ҳиндистонда диннинг ҳозирги аҳволини чуқурроқ билишни истаймиз. Айни пайтда меҳмонларни Совет Иттифоқида диннинг аҳволи билан таништирдик.

Афсуски, чет элда, хусусан Ҳиндистонда ҳам жамоатчилик СССРда диннинг аҳволидан етарли хабардор эмас. Аксинча тескари ташвиқот учун СССРда дин масаласининг қўйилишини нотўғри талқин қилиб, халқни чалғитиш мақсадида ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатмоқдалар. Ҳолбуки, Совет Иттифоқи шу жумладан Ўзбекистон ўтган 61 йил ичида диннинг ёрдамисиз ҳам улкан муваффақиятларга эришди ва эришмоқда. Шунинг учун ҳам дин ва динни сарқитлар социал ва маданий ривожланишга жиддий тўсиқ бўлаётган кўпгина мамлакатлар бизнинг тажрибамизга катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Шу жиҳатдан олиб қараганда, илмий анжуманнинг аҳамияти жуда катта. Унда қатнашаётган совет олимларининг докладлари мамлакатимизда диннинг келиб чиқиш тарихигина эмас, балки турли динларга ишонувчилар онгида юз бераётган ҳозирги жараёнлар, СССРда диннинг аҳволи, унинг ижтимоий ҳаётга таъсири кенг ўрганилаётгани ва бу таъсирнинг ўз кучини йўқотаётганини яққол кўрсатиб турибди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

«ПАХТА ЕТИШТИРИШДАГИ АЖОЙИБ МУВАФФАҚИЯТЛАР»

✦ АНГОЛА ХАЛҚИГА КАТТА ЕРДАМ ✦ «ТОШКЕНТ-1» СОВЕТ НАВИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ✦ТАЖРИБАЛАР—ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Ангола Халқ Республикасининг «Жорнал ди Ангола» деб аталган етакчи газетаси ана шундай сарлавҳа остида мақола босиб чиқарди. Газета совет мутахассислари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда Ангола халқига қандай ёрдам бераётганликлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Газета республика пойтахти — Луанда яқинидаги пахта етиштириш билан шуғулланувчи «Онга-Занга» экспериментал марказида меҳнат қилаётган ўзбекистонлик мутахассисларнинг иши тўғрисида, улар ажойиб илмий методларни ва мукаммал агрономия усулларини қўлланиб, ғўзанинг турли навларидан мўл ҳосил етиштиришга эришганликлари ҳақида хабар қилади. «Тошкент-1» совет ғўза нави шу йилнинг октябрь ойида энг юқори кўрсаткичга сазовор бўлди. Бу ерда ҳар гектар ердан 41,6 центнердан пахта териб олинди. Сўнгра газета қуйидагиларни ёзади: «Бу кўрсаткичлар қишлоқ хўжалигига хизмат қилаётган ҳозирги замон илмий билимлари самарадорлигидан, шунингдек Ангола табиий шароитларида замонавий илғор техникадан фойдаланиш қандай афзалликлар келтираётганлигидан далолат беради».

«Онга-Занга» экспериментал марказида эришилган тажрибаларнинг натижалари, дейилади мақолада, «қишлоқ хўжалиги соҳасида мамлакатнинг келгусида муваффақиятга эришишига бўлган умидни мустаҳкамламоқда».

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

КИМЁ МУЪЖИЗАСИ

Йигирманчи аср мўъжизаси ҳисобланмиш полимерлар халқ хўжалигининг барча соҳаларида тобора кенг қўлланилмоқда. Ҳозирда полимерларнинг 22 процанти электроникада, йигирма процанти машинасозликда ишлатилмоқда. Қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, самолётсозлик ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам полимер материалларининг тутган ўрни салмоқлидир.

Республикамиз пойтахтида юқори молекулали бирикма — полимерларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш билан шуғулланувчи фан — макромолекуляр химия бўйича халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ана шу анжуманга бағишланиб «Полимерлар-78» кўргазмаси очилганига бир ойдан ошди. Бу ерга ташриф буюрувчиларнинг сони эса кун сайин ортиб бормоқда.

Кўргазмага 400 дан ортиқ экспонат қўйилган. Залларни айланар эканмиз, полимерлар ҳаётимизда нақадар катта роль ўйнаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Иттифоқдош республикалар ва чет эл фанлар академияларига қарашли илмий-текшириш институтларининг полимерлар химияси ва физикаси соҳасида олиб бораётган катта тадқиқот ва илмий изланишларини акс эттирувчи стендлар, расм ва диаграммалар диққатни жалб этади.

Ўзбекистон кимёгарларининг янги полимер материаллар яратиш юзасидан тўплаган тажрибалари, химия фанининг шу соҳасида олиб бораётган изланишлари ҳам кўргазмадан муносиб жой олган.

Х. ФАЙЗИЕВ,
жамоатчи мухбиримиз.

СУРАТЛАРДА: кўргазма залларида.

Ф. Шарофутдинов фотолари.

МИРМУҲСИН

ОНАХОН

«ИЛДИЗЛАР ВА ЯПРОҚЛАР» РОМАНИДАН ПАРЧА

Райкомнинг биринчи секретари қабулхонасига ишга чақирилган Онахон шу куннёқ телефон дафтарларини, райондаги муҳим ташкилотлар телефон номерлари, райижроком, бюро аъзолари, обком секретарлари телефонларини тартибга сола бошлади. Ёзув столи тортмаларини очган эди, моғорлаб кетган помидор, пиёз ва ровоч қолдиқларига кўзи тушди. Яна бир тортмадан дарз кетган ойнача билан лабга сурадиган қизил бўёқни олиб саватга ташлади. Соч илашиб ётган тароғу, бўшаб қолган атир шишалари ва шунга ўхшаган ипириски нарсалар ғаладонларда тўлиб ётарди. Соч бўяйдиган «басма» коробкалари, эски бир японча парик ҳам ётарди. Онахон ҳайрон қолди. Телефон номерлари дафтари йўқ, умуман, ҳеч ваҳо йўқ. Қачонлардир ёзила бошлаган алфавит дафтари ҳам чала. Ҳотам Жўрақуловичнинг «бир, икки, уч...» деб, ўн икки рақамгача қабулхонани тартибга солиш вазифаларини айтиб берганини ёзиб олган Онахон шу кун кечгача бу ишни бажаришга киришди. Жўрақулов айтиб берган «қирқ сўмлик» ва «юз сўмлик» ходим латифасини ҳам мароқ билан эшитди.

— Бу Зуҳрахон деганимиз ўзи кўп яхши аёл эди-ю, лекин ўз иш жойига тушмаган эди. Ўзига ҳам қийин бўлди. Бизга ҳам... Маиший хизмат кўрсатиш ишига кетди. Бу иш яхши бўлди, моянаси ҳам тузук эмиш...

Онахон Жўрақуловнинг гапига эҳтиёт билан қулоқ солиб, ҳар бир сўзининг маъзини чаққандай бўларди. У Зуҳрахонни ёмонламас, лекин иш тутиши бу ерга тўғри келмаганини маданий қилиб айтарди. Онахон миянгида кулди. Юзи чўзинчоқ, қирғий бурун, ориққина Зуҳрахон ўзини жуда ҳам чиройлиман, деб ўйларди. Қулоғини узиб юборай, деб осилиб турган шода зираги-ю, оғзи тўла тилла тиш, агар бармоқларини лунжига олиб бориб оғзини очса ҳаммаёқ тилла бўлиб кетарди. Баъзилар уни «Ювелирхон» деб атарди.

Ишга ҳужжатларни расмийлаштириб, эрта билан биринчи секретарь қабулхонасида, уч тўрт телефон аппаратлари қўйилган шинам стол ёнида ўтирган пайтда қабулхона эшигини очиб, биринчи кириб келган киши Жўмард бўлди.

— Ассалому алайкум!

— Салом! — Онахон дик ўрнидан турди.

— Вазифалар муборак!

— Раҳмат!

— Яхши бўлибди-да ишга келганингиз. Мен Чиннихолни ҳовлингизга юборган эдим. У билиб келди...

— Сиз норози эмасмисиз?

— Асло! Жуда яхши иш қилибсиз. Ўрток Жўрақулов меҳрибон киши, бу одам ҳақида кўпчилик яхши фикр айтади. Мен ҳурсандман.

— Раҳмат! Бу менинг учун жуда муҳим. Бу иш тўсатдан бўлиб қолди.

— Райком — катта мактаб. Мана шу ердан обком комсомолга секретарь бўлиб кетсангиз ажаб эмас.

— Ў-ў-ў! Лоф қилманг!

— Сизда комсомол вожатийнинг ҳамма сифатлари бор.

— Зуҳрахон опамга ўхшаб бу ердан сартарошхонага бораманми!

— Бунақа деманг, тагин парипталар омин, деб юбормасин.

Улар иккови баробар ҳохолаб кулишди. Университетга киродмай йиқилиш андуҳи аллақачон тумандай тарқаб кетган эди. Онахонинг шодлиги, бу вазифага иштиёқ билан киришаётганини, бобоси сабаб бўлибми ёки Жўрақулов йиқилганлари суяб турғизадиган, мадад берадиган олижаноб одамлигими, бу бир чивиндек қиз ҳам унинг эътиборидан четда қолмаганини сезиб, Жўмард дилдан қувонди. Ишнинг катта-кичиги бўлмайди. Кўксини тўшакка бериб ётганида Чиннихолни юборди-ю лекин ўзи у билан учрашолмади. Онахон ишларига халақит бермаслик учун бунда узоқ турмай Жўмард хайрлашиб, яна бир карра табриклаб, чиқиб кетди.

Бир муддатдан сўнг ташкилий ишлар бўлимида ишлайдиган кексагина аёл қабулхонага кириб, Онахон билан саломлашди.

— Ишга келдингизми, оппоқ қиз? Хабар олгани келгандим.

— Келдим. Лекин ўртоқ Жўрақулов ҳали келганлари йўқ.

— Ҳотам Жўрақулович вақтида келадилар, — аёл қўлидаги соатига қаради, — ҳали ўн бўлгани йўқ, бешта кам... Сиз барвақт келибсиз.

— Узоқда тураман, машина учраб қолган эди. Тўққиздан олдин келганга ўхшайман.

— Бунақа қийналманг, ўнга етиб келсангиз бўлади. Ҳақназар отамнинг невералари бўласизми?

— Ҳа.

— Бардаммилар?

— Раҳмат.

— Райкомхон деган сингилингиз бор экан, салом дедилар, деб қўйинг! Мени шундай деб аташади. Асли исмим Рихсихон, Раяхон ҳам дейишади. Фамилиям — Итолмасова. Баъзиларга фамилиям ёқмайди. Қандоқ қилай, отамни чўпон бўлган, оти Итолмас бўлган. Отанинг кўп яхшиликларини кўрганман.

— Албатта айтаман.

Шу лаҳза қабулхонага Ҳотам Жўрақулович кириб келди. У Онахон билан ҳам, Райкомхон опа билан ҳам қўл беришиб омонлашди.

— Рая Итолмасовна, қизимиз Онахонни табриклаг, ишга келди! Ҳали булар ёш — ёшлар хизматда шундоқми?

— Ўзим расмийлаштирдим-ку, Ҳотам Жўрақулович?

— Э, дарвоқе.

Жўрақулов кабинетига кириб кетиши билан Райкомхон опа соатига қаради.

— Мана, кўрдингизми, роппа-роса ўн. Жўрақулов билан ишлайдиган одамлар учун соат тақиш шарт эмас, унга қараб вақтни билавераса бўлади. Бу одамчалик вақтнинг қадрига етаётган кишини билмайман. Во-ой, баъзи тепса тебранмаслар ҳам бор, ёқамни ушлайман! Дарё тошса тўшнига чиқмайди. Одам деган бемаллоҳўжа бўлавермай, сал кўпинчоқроқ бўлгани ҳам маъқул экан. Баъзи ҳўкиз табиатлар бор, қалтак олиб қувмагунча чиқиб кетишмайди. Ўшалар хотинларининг шўри қурсин. Эркак деган сал шиддатлироқ бўлиб, қорабайирдек ер тепиниб турса экан. Ҳайвонот боғидаги бегемотдек бир сувга тушса кечгача ётадиган бўлса юрак қисилиб ўласан. Районимизни орқага тортадиганлар ҳам шу «бегемот»лар.

Райкомхон опа бирпас шакар гуфторлик қилиб, кейин ўз хонасига чиқиб кетди.

Коридордан қўнғироқдек жаранглаб овози келаётган Ҳанифахон Бегимқулова тушга яқин биринчи секретарь қабулхонасига кирди. Елкасига икки фотоаппарат осган, тепакал, серғап, ёпишқоқ фотомухбир унинг орқасида гирди капалак бўлиб юрарди. Бегимқуловага устида ял-ял ёнаётган атлас кўйлаги, сочини орқага қўйиб, кичик қиз ҳам унинг эътиборидан четда қолмаганини сезиб, Жўмард дилдан қувонди. Ишнинг катта-кичиги бўлмайди. Кўксини тўшакка бериб ётганида Чиннихолни юборди-ю лекин ўзи у билан учрашолмади. Онахон ишларига халақит бермаслик учун бунда узоқ турмай Жўмард хайрлашиб, яна бир карра табриклаб, чиқиб кетди.

Бир муддатдан сўнг ташкилий ишлар бўлимида ишлайдиган кексагина аёл қабулхонага кириб, Онахон билан саломлашди.

— Ишга келдингизми, оппоқ қиз? Хабар олгани келгандим.

— Келдим. Лекин ўртоқ Жўрақулов ҳали келганлари йўқ.

— Ҳотам Жўрақулович вақтида келадилар, — аёл қўлидаги соатига қаради, — ҳали ўн бўлгани йўқ, бешта кам... Сиз барвақт келибсиз.

— Узоқда тураман, машина учраб қолган эди. Тўққиздан олдин келганга ўхшайман.

— Бунақа қийналманг, ўнга етиб келсангиз бўлади. Ҳақназар отамнинг невералари бўласизми?

— Ҳа.

— Бардаммилар?

— Раҳмат.

— Райкомхон деган сингилингиз бор экан, салом дедилар, деб қўйинг! Мени шундай деб аташади. Асли исмим Рихсихон, Раяхон ҳам дейишади. Фамилиям — Итолмасова. Баъзиларга фамилиям ёқмайди. Қандоқ қилай, отамни чўпон бўлган, оти Итолмас бўлган. Отанинг кўп яхшиликларини кўрганман.

— Албатта айтаман.

Шу лаҳза қабулхонага Ҳотам Жўрақулович кириб келди. У Онахон билан ҳам, Райкомхон опа билан ҳам қўл беришиб омонлашди.

— Рая Итолмасовна, қизимиз Онахонни табриклаг, ишга келди! Ҳали булар ёш — ёшлар хизматда шундоқми?

— Ўзим расмийлаштирдим-ку, Ҳотам Жўрақулович?

— Э, дарвоқе.

Жўрақулов кабинетига кириб кетиши билан Райкомхон опа соатига қаради.

— Мана, кўрдингизми, роппа-роса ўн. Жўрақулов билан ишлайдиган одамлар учун соат тақиш шарт эмас, унга қараб вақтни билавераса бўлади. Бу одамчалик вақтнинг қадрига етаётган кишини билмайман. Во-ой, баъзи тепса тебранмаслар ҳам бор, ёқамни ушлайман! Дарё тошса тўшнига чиқмайди. Одам деган бемаллоҳўжа бўлавермай, сал кўпинчоқроқ бўлгани ҳам маъқул экан. Баъзи ҳўкиз табиатлар бор, қалтак олиб қувмагунча чиқиб кетишмайди. Ўшалар хотинларининг шўри қурсин. Эркак деган сал шиддатлироқ бўлиб, қорабайирдек ер тепиниб турса экан. Ҳайвонот боғидаги бегемотдек бир сувга тушса кечгача ётадиган бўлса юрак қисилиб ўласан. Районимизни орқага тортадиганлар ҳам шу «бегемот»лар.

Райкомхон опа бирпас шакар гуфторлик қилиб, кейин ўз хонасига чиқиб кетди.

Коридордан қўнғироқдек жаранглаб овози келаётган Ҳанифахон Бегимқулова тушга яқин биринчи секретарь қабулхонасига кирди. Елкасига икки фотоаппарат осган, тепакал, серғап, ёпишқоқ фотомухбир унинг орқасида гирди капалак бўлиб юрарди. Бегимқуловага устида ял-ял ёнаётган атлас кўйлаги, сочини орқага қўйиб, қўлида ҳужжатлари ва шунга ўхшаган ипириски нарсалар ғаладонларда тўлиб ётарди. Соч бўяйдиган «басма» коробкалари, эски бир японча парик ҳам ётарди. Онахон ҳайрон қолди. Телефон номерлари дафтари йўқ, умуман, ҳеч ваҳо йўқ. Қачонлардир ёзила бошлаган алфавит дафтари ҳам чала. Ҳотам Жўрақуловичнинг «бир, икки, уч...» деб, ўн икки рақамгача қабулхонани тартибга солиш вазифаларини айтиб берганини ёзиб олган Онахон шу кун кечгача бу ишни бажаришга киришди. Жўрақулов айтиб берган «қирқ сўмлик» ва «юз сўмлик» ходим латифасини ҳам мароқ билан эшитди.

— Бу Зуҳрахон деганимиз ўзи кўп яхши аёл эди-ю, лекин ўз иш жойига тушмаган эди. Ўзига ҳам қийин бўлди. Бизга ҳам... Маиший хизмат кўрсатиш ишига кетди. Бу иш яхши бўлди, моянаси ҳам тузук эмиш...

Онахон Жўрақуловнинг гапига эҳтиёт билан қулоқ солиб, ҳар бир сўзининг маъзини чаққандай бўларди. У Зуҳрахонни ёмонламас, лекин иш тутиши бу ерга тўғри келмаганини маданий қилиб айтарди. Онахон миянгида кулди. Юзи чўзинчоқ, қирғий бурун, ориққина Зуҳрахон ўзини жуда ҳам чиройлиман, деб ўйларди. Қулоғини узиб юборай, деб осилиб турган шода зираги-ю, оғзи тўла тилла тиш, агар бармоқларини лунжига олиб бориб оғзини очса ҳаммаёқ тилла бўлиб кетарди. Баъзилар уни «Ювелирхон» деб атарди.

Ишга ҳужжатларни расмийлаштириб, эрта билан биринчи секретарь қабулхонасида, уч тўрт телефон аппаратлари қўйилган шинам стол ёнида ўтирган пайтда қабулхона эшигини очиб, биринчи кириб келган киши Жўмард бўлди.

— Ассалому алайкум!

— Салом! — Онахон дик ўрнидан турди.

— Вазифалар муборак!

— Раҳмат!

— Яхши бўлибди-да ишга келганингиз. Мен Чиннихолни ҳовлингизга юборган эдим. У билиб келди...

— Сиз норози эмасмисиз?

— Асло! Жуда яхши иш қилибсиз. Ўртоқ Жўрақулов меҳрибон киши, бу одам ҳақида кўпчилик яхши фикр айтади. Мен ҳурсандман.

— Раҳмат! Бу менинг учун жуда муҳим. Бу иш тўсатдан бўлиб қолди.

— Райком — катта мактаб. Мана шу ердан обком комсомолга секретарь бўлиб кетсангиз ажаб эмас.

— Ў-ў-ў! Лоф қилманг!

— Сизда комсомол вожатийнинг ҳамма сифатлари бор.

— Зуҳрахон опамга ўхшаб бу ердан сартарошхонага бораманми!

— Бунақа деманг, тагин парипталар омин, деб юбормасин.

Улар иккови баробар ҳохолаб кулишди. Университетга киродмай йиқилиш андуҳи аллақачон тумандай тарқаб кетган эди. Онахонинг шодлиги, бу вазифага иштиёқ билан киришаётганини, бобоси сабаб бўлибми ёки Жўрақулов йиқилганларни суяб турғизадиган, мадад берадиган олижаноб одамлигими, бу бир чивиндек